**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА**

**МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

# ДАВОЛАШ ИШИ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИНИНГ МУТАХАССИСЛИК (КАСБ) ЛАРИНИНГ МАЛАКА ТАЛАБИ

**ТОШКЕНТ 2020**

# СЎЗ БОШИ

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти томонидан **ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ ВА ТАСДИҚЛАШГА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.**

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил ”____” ___________даги ______-сон йиғилишида маъқулланган ва Вазирликнинг 2020 йил ”____” _______________ даги ______ - сон буйруғи билан **ТАСДИҚЛАНДИ ВА ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.**

Мазкур таълим стандартини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тегишлидир.

# МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| 1. | Қўлланиш соҳаси | 4 |
| 2. | Касбий таълим хусусияти | 4 |
| 3. | Битирувчиларнинг касбий фаолияти тавсифи | 4 |
| 4. | Таълим дастурини ўзлаштирган битирувчиларнинг умумий ва касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар | 6 |
| 5. | Ўқув режа тузилмаси ва уларга қўйиладиган талаблар ҳамда битирувчида шакллантириладиган компетенциялар | 8 |
| 6. | Даволаш иши таълим йўналишининг мутахассислик (касб) ларининг ўқув юкламаси | 32 |
| 7. | Даволаш иши таълим йўналишининг мутахассислик (касб)ларининг таълим дастурини ўзлаштиришга қўйилган талаблар ва битирувчиларни баҳолаш. | 32 |

## 1. Қўлланиш соҳаси

Мазкур малака талаби Даволаш иши таълим йўналишининг мутахассислик(касб)лари бўйича тайёрлашнинг зарурий билимлар мазмунининг мажбурий минимуми ва касбий тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар ва пировард мақсадларини аниқлайди.Таълим олувчиларнинг ўқув юкламалари ҳажми ва стандарт талабларини бажарилиш назоратини белгилаб беради.

Малака талаби таълим олувчиларнинг касбий тайёргарлиги сифати ва касбий компетенциясини баҳолашда ҳамда таълим муассасаларини аттестациядан ўтказишда асосий мезон ҳисобланади. Мазкур талабларнинг бажарилиши профессионал таълим муассасаларининг битирувчиларига касбий таълимнинг тегишли даражасини олганлиги тўғрисида давлат намунасидаги ҳужжат берилиши учун асос ҳисобланади.

Малака талаби таълимни бошқариш давлат органлари ва таълим фаолияти субъектлари томонидан, идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклларидан қатъий назар, тадбиқ этилиши мажбурийдир.

Ушбу малака талаби Даволаш иши таълим йўналишининг мутахассислик(касб)ларининг 2020 йил апрелдаги №...-сон билан тасдиқланган профессионал стандарт талаблари асосида ишлаб чиқилди.

## 2. Касбий таълим хусусияти

**Мутахассислик номи: 4.71.01.01 - Фельдшерлик иши**

**Квалификациялар:**

1. Шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш станцияси (булим) фельдшери.
2. Оилавий поликлиника фельдшер акушери

Умумий ўрта таълим муассасаларининг 11-синфбитирувчилари ҳисобидан шакллантирилган гуруҳларда 2 йиллик.

Мутахассис тайёрловчи ўрта профессионал тиббий таълим дастурининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган битирувчига ўрта профессионал тиббий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги диплом берилади.

**2.2.** Руҳий-физиологик фазилатлар минимуми: кузатувчанлик, диққатни бир жой қаратиш, фикрни жамлаш, қўл-оёқ ҳаракатини жараёнга мослаштириш, ҳар томонлама тез фикрлаш ва фараз қилиш, ёруғликни сезиш, фаол ва тез хотирлаш, ҳаракат хотираси ва мослашувчанлик.

**2.3. Таълимни давом эттириш имкониятлари.**

Даволаш иши таълим йўналишининг мутахассислик(касб)лари битирувчиси кейинчалик касбий таълимини чуқурлаштириш мақсадида:

кадрлар малакасини ошириш тизимида, тармоқ ўқув муассасаларида ва махсус курсларида малакани ошириши;

касбий фаолиятнинг тегишли соҳасида янада юқорироқ малакага эриш мақсадида олий таълим муассасасида ўқишни давом эттириши мумкин.

**2.4. Ўқишга қабул шартлари.**

Ўқишга қабул шартлари амалдаги қонунчилик асосида амалга оширилади.

## 3. Битирувчиларнинг касбий фаолияти тавсифи

**3.1. Битирувчининг мутахассислик фаолият соҳаси:**

– даволашиши врач назорати остида аҳолига даволашиши касалликлар профилактикаси ҳамда беморларга буюрилган даво муолажаларини олиб бориш бўйича барча даволаш-профилактика муассасалари;

– шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш станция (бўлим)ларида;

– давлат ва нодавлат даволаш тиббий муассасаларида акушерлик ва гинекология булимларида, оилавий поликлиникаларда фаолият юритади.

**3.2. Битирувчининг касбий фаолияти объектлари.**

**3.2.1. Шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш станцияси (булим) фельдшерималакаси бўйича:**

– Ҳаётга хавф туғдирувчи касалликлар (ҳолатлар)да беморларни шошилинч тиббий ёрдам бўлимларига ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам ташкилотларига транспортировка (эвакуация) қилиши;

– Тез тиббий ёрдам бригадаси таркибида зудлик билан чақирув жойига жўнаш ва ўз вақтида етиб боришни амалга ошириши;

– Шифокор билан ҳамкорликда ёки мустақил равишда қуйидаги тиббий муолажаларни бажариши: юрак-ўпка ва мия комплекс реанимациясини ўтказиш, юқори нафас йўлларининг ўтказувчанлигини таъминлаш ва юракни ёпиқ массаж қилиш; электроимпулс терапияси (дефибриляция); кислородли терапия, сунъий нафас олиш аппаратлари ёрдамида ўпканинг сунъий нафас олдириш, қўлда механик сунъий нафас олиш мосламалари ёрдамида ўпкани сунъий нафас олдириши;

– Тиббий муассасадан ташқарида шошилинч туғруқни қабул қилиш, шу жумладан янги туғилган чақалоқга бирламчи ишлов бериш, янги ва эрта туғилган, тана вазни жуда кам бўлган чақалоқларни реанимация қилиш, акушер-гинеколог ва неонатолог билан масофадан маслаҳатлашиш.

– Шифокорли тез тиббий ёрдам бригадасида тез тиббий ёрдам кўрсатишда дори моддалар ва тиббий анжомларни шифокор тавсияларига асосан фойдаланиш

**3.2.2. Оилавий поликлиника фельдшер акушери малакаси бўйича:**

– Оилавий поликлиника фельдшер-акушери фаолияти доирасида профилактик ва даволаш-диагностик муолажаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириши

– Оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктларида ички инфекциянинг олдини олиш;

– Ҳомиладор, туққан ва турли ёшдаги аёллар парваришини амалга ошириши;

– тиббий ҳужжатлар;

– Ҳомиладор, туққан ва турли ёшдаги аёллар саломатлигини назоратга олиш

**3.3. 4.71.02.01 –Даволаш иши таълим йўналишининг мутахассислик(касб) ларибўйича таълим олувчи қўйидаги фаолият турларига тайёрланади:**

**3.3.1.Шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш станцияси (булим) фельдшериквалификацияси бўйича:**

–турли ёшдаги беморларни субектив ва обектив текширувини амалга ошириш;

–шифокоргача бўлган тез тиббий ёрдамни кўрсата билиши беморларни кузатиш ва касбий фаолият доирасида ёрдам кўрсатиш;

–- умумий профил (шифокор ёки фельдшер) бўлган тез тиббий ёрдам бригадаси таркибида зудлик билан чақирув жойига етиб келиш;

–тиббий ҳужжатларни расмийлаштириш;

– даволаш муолажаларини амалга ошириш;

–даволаш чоралари натижасини баҳолаш;

–тиш техниклиги лабораториясидаги аппаратлар, мосламалар, асосий ва ёрдамчи хом ашёлар билан ишлаш қоидаларига амал қилиш, уларни қўллашда техника ҳавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш.

–Қон гуруҳи ва резус омилини аниқлашда иштирок этиши

**3.3.2. Оилавий поликлиника фельдшер акушерикваликацияси бўйича:**

– касалликларни олдини олиш;

– Оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктларида ички инфекциянинг олдини олиш;

– Барча муолажалардан сўнг инфекция ва эпидемияни олдини олиш мақсадида санитар қоида ва меъёрлари тартибини бажарилиши бўйича кўникмаларга эга бўлиш;

– Тиббий хизмат сифати ва самарадорлик кўрсаткичларини ошириш бўйича тушунчага эга булиш;

– асептика ва антисептика қоидаларига риоя қилган ҳолда тиббий муолажаларни бажариш;

– дорихонага талабнома тўлдириш;

– ҳаётий зарур кўрсаткичларни ўлчаш (пульс, артериал босим, тана харорати, нафас ҳаракатлари);

– аҳолини соғломлаштиришда фаол иштирок этиш.

## 4. Даволаш иши таълим йўналишининг мутахассислик(касб)лари таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг мутахассислик компетенциясига қўйиладиган талаблар.

**4.1.Даволаш иши таълим йўналишининг мутахассислик(касб)лари битирувчилари умумий компетенциясига қўйиладиган талаблар:**

**Ўрта тиббий профессионал таълим битирувчиси қуйидаги умумий компетенцияларга эга бўлиши керак:**

**УК-1.** Келажакдаги касбининг ижтимоий моҳиятини тушуниш, тиббиёт соҳасининг ўз касбига оид муҳим аҳамиятларини билиш.

**УК-2.** Ўз фаолиятини ташкил этиш, касбий вазифаларни ечиш усулларини аниқлаш, уларнинг самарадорлигини ва сифатини баҳолаш.

**УК-3.** Ноанъанавий вазиятларда хавф-хатарни мустақил баҳолаш ва қарорлар қабул қилиш.

**УК-4.** Касбий ва шахсий ривожланиш ҳамда касбга оид вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ахборотни излаш, таҳлил қилиш ва баҳолашни амалга ошириш.

**УК-5.** Касбга оид фаолиятни унинг мақсадлари, мазмунларини замон талабига мослаб, замонавий технологиялардан ўринли фойдаланишни амалга ошириш.

**УК-6.** Лавозим вазифаларни бажариш жараёнлари сифати учун масъулиятни ўз зиммасига олиш ва назорат қилиш.

**УК-7.** Шахсий ва касбий малакасини ривожлантириш вазифаларини мустақил равишда белгилаш, мустақил таълим олиш билан шуғулланиш, онгли равишда малака оширишни режалаштириш.

**УК-8.** Ўз фаолиятида аҳоли ҳаётини ҳимоя қилиш ва малакали тиббий ҳизмат билан таъминлаш.

**4.2.Даволаш иши таълим йўналишининг мутахассислик(касб)лари таълим дастурини ўзлаштирган битирувчи қуйидаги касбий компетенцияларга эга бўлиши керак:**

**4.2.1.Шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш станцияси (булим) фельдшериквалификацияси бўйича:**

**КК-1.1.** Инсон хаёти фаолиятининг турли ёшлар даврларида асосий қонуниятлари, одам организмидаги физиологик ва патологик жараёнлар ва уларни ҳаёт тарзига таъсирини билиш.

**КК-1.2.** Инфекцион ҳавфсизликни таъминлаш (санитар-гигиеник ва эпидемияга қарши тартиб, асептика ва антисептика қоидаларига риоя қилиш).

**КК-1.3.** Даволаш иши йўналиши бўйича фаолият доирасида профилактик ва даволаш-диагностик муолажаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш.

**КК-1.4.** Кечиктириб бўлмайдиган холатларда шифокоргача биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш.

**КК-1.5.** Муассаса ва ташкилот раҳбариятига касбий фаолиятни амалга оширишда юзага келган муаммо ва масалалар ҳақида маълумот тақдим этиш.

**КК-1.6.** Касбий фаолиятга оид жараён босқичларини амалга ошириш мақсадида юклатилган вазифаларни самарали бажариш учун иш жойини талаб даражасида таъминланишига эришиш.

**КК-1.7.** Ўрнатилган тартибда тиббий ҳужжатларни юритиш.

**КК-1.8.** Шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш станцияси (булим) фельдшерибеморларга парвариш қилиш тартибларини ўргатиш.

- **КК-1.9.**Шокга қарши ва тез ёрдамда бўлиши керак бўлган дори – дармонлар рўйхати, қўлланишини билиш.

**КК-1.10.**Ҳаётга хавф туғдирувчи касалликлар (ҳолатлар)да беморларни шошилинч тиббий ёрдам бўлимларига ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам ташкилотларига транспортировка (эвакуация) қилиш.

**КК-1.11.**Шахсий ҳимоя воситалари (респиратор, резина қўлқоп, ҳимоя кийим) ва дозиметрик кузатув асбобларидан фойдаланиш.

**4.2.2.Оилавий поликлиника фельдшер акушериквалификацияси бўйича:**

**КК-2.1.** Инсон хаёти фаолиятининг турли ёшлар даврларида асосий қонуниятлари, одам организмидаги физиологик ва патологик жараёнлар ва уларни ҳаёт тарзига таъсирини билиш.

**КК-2.2.** Инфекцион ҳавфсизликни таъминлаш (санитар-гигиеник ва эпидемияга қарши тартиб, асептика ва антисептика қоидаларига риоя қилиш).

**КК-2.3.** Даволаш йўналиши бўйича фаолият доирасида профилактик ва даволаш-диагностик муолажаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш.

**КК-2.4.** Кечиктириб бўлмайдиган холатларда шифокоргача биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш.

**КК-2.5.** Муассаса ва ташкилот раҳбариятига касбий фаолиятни амалга оширишда юзага келган муаммо ва масалалар ҳақида маълумот тақдим этиш.

**КК-2.6.** Касбий фаолиятга оид жараён босқичларини амалга ошириш мақсадида юклатилган вазифаларни самарали бажариш учун иш жойини талаб даражасида таъминланишига эришиш.

**КК-2.7.** Ўрнатилган тартибда тиббий ҳужжатларни юритиш.

**КК-2.8.** Турли ёшдаги беморларни субъектив ва объектив текширувини амалга ошириш.

**КК-2.9**. Даволаш муолажаларини амалга ошириш ва натижасини баҳолаш.

**КК-2.10**. Тиббий асбобларни стерилизация учун тайёрлаш ва стерилизация қилиш.

**КК-2.11**. Аҳолининг турли қатламлари орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ишларни ташкил этиш.

**КК-2.12.** Касбий фаолият доирасида ўз ваколатлари, маъсулияти ва зиммасига юклатилган вазифаларнинг қонунийлигини англаш.

**КК-2.13.** Дори –дармонлар билан ишлаш билим ва кўникмаларига эга бўлиши

**КК-2.14** Аҳолининг турли қатламлари орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ишларни ташкил этиш.

**КК-2.15.** Касбий фаолият доирасида ўз ваколатлари, маъсулияти ва зиммасига юклатилган вазифаларнинг қонунийлигини англаш.

## 5. Ўқув режа тузилмаси ва уларга қўйиладиган талаблар ҳамда битирувчида шакллантириладиган компетенциялар

| Т/р | Фан (модул) номи | Битирувчи ўзлаштириши лозим бўлган билим ва кўникмалар | | Шакллантириладиган компетенциялар |
|---|---|---|---|---|
| | | **Билимлар** | **Кўникмалар** | |
| **Умумкасбий фанлар блоки** | | | | |
| 1. | **Касбий фаолиятда рус(ўзбек) тили** | – ўзлаштирилаётган касбнинг рус(ўзбек) тилдаги терминологияси, атамалари ва ибораларининг маъноси;<br>– рус(ўзбек) тилини касби доирасида ўзаро мулоқот даражаси;<br>– рус(ўзбек) тилдаги норматив ҳужжатларни ўқиб, тушуниш;<br>– ўз сохасига тегишли бўлган рус(ўзбек) тилдаги матнларни, дастурларни ва йўрикнома (инструкция)ларни ўқиш ва тушуниш. | –ўзлаштирган касби доирасидан рус(ўзбек) тилда мутахассислар билан мулоқот қила олиш;<br>– рус(ўзбек) тилда ёзилган йўриқнома (инструкция)ларни тушуниб, уларни амалда қўллаш хамда ўзгаларга тушунтира олиши;<br>– рус(ўзбек) тилдаги маълумотлардан фойдаланган холда ўз касбий маҳоратини ошириш. | УК-4,УК-7, УК-8. |
| 2. | **Касбий фаолиятда хорижий тил** | – ўзлаштирилаётган касбнинг хорижий тилдаги терминологияси, атамалари ва ибораларининг маъноси;<br>– хорижий тилни касби доирасида ўзаро мулоқот даражаси;<br>– хорижий тилдаги норматив ҳужжатларни ўқиб, тушуниш;<br>– ўз сохасига тегишли бўлган хорижий тилдаги матнларни, дастурларни ва йўрикнома (инструкция)ларни ўқиш ва тушуниш. | ўзлаштирган касби доирасидан хорижий тилда мутахассислар билан мулоқот қила олиш;<br>– хорижий тилда ёзилган йўриқнома(инструкция)ларни тушуниб, уларни амалда қўллашни хамда ўзгаларга тушунтира олиши;<br>– хорижий тилдаги маълумотлардан фойдаланган холда ўз касбий маҳоратини ошириш. | УК-4,УК-7, УК-8. |
| 3. | **Касбий фаолиятда ахборот технологиялари** | – касбий йўналтирилган ахборот тизимларида маълумотларни тўплаш, жойлаштириш, сақлаш, айлантириш ва узатиш технологиясидан фойдаланиш;<br>– ўз касбий фаолиятида турли хил дастурий таъминотлардан, жумладан, махсус дастурий таъминотлардан фойдаланиш;<br>– шахсий компютерлар ва ҳисоблаш тизимларининг умумий таркиби ва ишлаш тартиби;<br>– автоматлаштирилган маълумотларни қайта ишлашнинг асосий тушунчалари;<br>– компютер ва телекоммуникация воситаларидан | – касбий фаолиятда ахборот ва телекоммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиш;<br>– маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва тўплаш усуллари;<br>– касбий фаолият соҳасидаги асосий дастурий таъминот маҳсулотлари ва дастурий пакетларидан фойдаланиш;<br>– ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий усуллари ва методлари. | УК-4, УК-7 УК-8. |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | фойдаланиш. | | |
| 4. | **Жисмоний тарбия ва спорт** | – соғлиқни сақлашни ривожлантириш, ҳаёт ва касбий мақсадларга эришиш учун жисмоний маданият ва дам олиш тадбирларидан фойдаланиш;<br>– инсоннинг умумий маданий, касбий ва ижтимоий ривожланишидаги жисмоний маданиятнинг ўрни;<br>– спорт турлари;<br>– соғлом турмуш тарзини шакллантиришда спортнинг тутган ўрни. | – касбий фаолият учун зарур бўлган жисмоний - тайёргарликни таъминлайдиган спорт турларидан машқлар. | УК-4, УК-7 УК-8. |
| 5. | **Касбий фаолиятнинг ҳуқуқий асослари** | – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий қоидаларини;<br>– касбий фаолият соҳасида ҳуқуқий тартибга солиш тушунчасини;<br>– касбий фаолият жараёнида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларни;<br>– тиббиёт ходимларнинг касбий фаолият соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини;<br>– меҳнат шартномасини тузиш тартиби ва уни тугатиш учун асосларни;<br>– фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳуқуқини;<br>– ходимнинг интизомий ва молиявий жавобгарлиги тушунчасини;<br>– маъмурий ҳуқуқбузарликнинг турлари ва маъмурий жавобгарликни;<br>– бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш меъёрлари ва низоларни ҳал қилишнинг суд тартиб-қоидаларини билиши; | – бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш меъёрлари ва низоларни ҳал қилишнинг суд тартиб-қоидаларини зарур ҳуқуқий ҳужжатларни қўллашни;<br>– фуқаролик, фуқаролик ишлари ва меҳнат қонунчилигига мувофиқ ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни;<br>– фаолияти (ҳаракатсизлиги) натижаларини ва оқибатларини ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш ва баҳолашни мустақил бажариш кўникмаларига эга бўлиши керак. | УК-1, УК-2, УК-4, УК-9 УК-10. |
| 6. | **Тиббий терминология ва лотин тили** | – Лотин тили тарихи. Мутахассисликда лотин тили ва медицина терминологияси фанининг тутган ўрни.<br>– Фонетика. Ҳарфлар ва ҳарф бирикмалари.<br>– Морфология. Юнон тиббий атамаларида сўз ясовчи қўшимчалар.<br>– Феъл. Рецептурада қўлланувчи феъллар.<br>– Рецептура. Рецептнинг тузилиши, шакли ва лотинча қисми.<br>– Отларнинг беш гуруҳда турланиши ҳақида маълумот. | – унли ва ундош ҳарфларнинг, ҳарф бирикмаларининг ўқиш;<br>– сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида тиббий атамалар тузиш;<br>– феълларнинг буйруқ шаклини ҳосил қилиш;<br>– рецепт ёзиш ва таржима қилиш;<br>– тиббиёт атамаларининг ясалиш усул ва шакллари олд қўшимча ва сўз ясовчи қўшимчалар қўшиш, сўзларни бириктириш; | УК-5,УК-6,УК-7,УК-9 КК-1.13 |
| 7. | **Фармакология** | - Фармакология фани ва унинг бошқа фанлар билан | - тиббиёт муассасаларида дори моддаларини сақлаш ва | УК-4,УК- |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | **ва рецептура** | боғлиқлиги.<br>- Фармакопея ҳақида тушунча.<br>- Дори шакллари.<br>- Дори миқдори белгилари.<br>- Умумий доринома (рецептура)<br>- Дорихона ва унинг вазифалари<br>- Дори моддасининг организмга таъсир этишида рецепторларнинг функцияси.<br>- Фармакокинетика ва фармакодинамика.<br>- Фармакологик эффект.<br>- Биологик намуналаш (стандартлаш)<br>- Дори моддаларининг ўзаро таъсири ва мос келиш-келмаслиги.<br>- Дори моддаларидан ўткир захарланганда даволанишнинг умумий асослари | бериш;<br>- рецепт ёзиш;<br>- дори воситаларини қўллаш;<br>- дори воситаларининг ножўя таъсири, уларни олдини олиш ва тез ёрдам чораларини қўллай олиш | 5,УК-8,УК-10<br>КК-1.13 |
| 8. | **Анатомия, физиология ва патология** | - Анатомия, физиология ва патология фанининг ривожланиш тарихи ва унинг ўрганиш усуллари.<br>- Саломатлик ва касаллик. Организмнинг адаптация ва компенсатор мосланиш реакциялари.<br>- Ялиғланиш.<br>- Ҳужайра, тўқималар.<br>- Суяклар, мускуллар хақида маълумот .<br>- Овқат ҳазм қилиш органлари тизими.<br>- Нафас органлари тизими.<br>- Моддалар ва энергия алмашинуви.<br>- Айириш органлари.<br>- Репродуктив органлар тизими.<br>- Ички секреция безлари.<br>- Гомеостаз .<br>- Юрак қон-томир, лимфа тизими.<br>- Асаб тизими .<br>- Сенсор тизими. | - скелетни тана, қўл, оёқ ва бош қисмларга ажратиш;<br>- бош ва бўйин, орқа, кўкрак ва қорин, қўл мушакларини, оёқ мушакларини гурухлари ва скелетни таркибидаги суякларнини анатомик атлас, муляж, жадвалларда кўрсата олиш;<br>- тинч холатда ва жисмоний машқдан сўнг нафас тезлигини аниқлаш, спирометрияни ўтказиш, фонендоскоп ёрдамида ўпканинг фаолиятини эшитиш;<br>- турли тизимларга кирувчи аъзоларнинг жойлашишини муляж, планшет, жадваллар, фантомларда, анатомик атлас ва ички органлар торсида кўрсатиш;<br>- бармоқдан қон олиш ва суртма тайёрлаш, қон гуруҳларини, резус факторни аниқлаш, қон ивишини аниқлаш, гемограммани тахлил қилиш;<br>- юрак тонларини фонендоскоп ёрдамида эшитиш, артериал қон босимни ўлчаш ва пульсни санаш;<br>- кўз қорачиғи рефлексини аниқлаш, кўрув ўткирлигини Сивцев жадвали ёрдамида аниқлаш, мавзуга оид расмларни чизиш | УК-1,УК-2,УК-3,УК-4<br>КК-1.8, КК-1.9 |
| 9. | **Диетология** | - Озиқ –овқат махсулотларининг меъдада туриш ёки хазм бўлиш муддати. | - Озиқ –овқат махсулотларининг меъдада туриш ёки хазм бўлиш муддатини аниқлаш; | УК-3,УК-5,УК-6,УК-8 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | - “Овқат массаси”нинг йўғон ичакдан сурилиб бориш тезлиги<br>- Витаминларнинг организм учун ахамияти<br>- Озиқ –овқат махсулотлари ва тай шифобахш хоссалари<br>- Парез овқатланишнинг асосий тамойиллари<br>- Кекса ва қарияларнинг овқатланиш жихатлари.<br>- Хомиладор, кўзи ёришдан ва эмизикли аёолларнинг овқатланиш жиатлари.<br>- Гипо ва агалактияда пархез овқатланиш. | - Организмда витаминларнинг сурилишини аниқлаш;<br>- Калий маъдани кўп бўлган пархезнома.<br>- Кекса ва қариялар бир кеча-кўндузи тановул қилиши учун керакли бўлган асосий озуқавий моддалар миқдорлари ва уларнинг қиймати.<br>- Эмизикли оналарнинг овқатланиши.<br>- Ўзбекистон иқлими шароитида бир ёшгача бўлган болаларнинг овқатланиши. | КК-1.9 |
| 10 | **Умумий гигиена ва экология** | – Гигиена ва экология фанининг вазифаси<br>– Ҳаво гигиенаси.<br>– Тупроқ гигиенаси. Аҳоли яшайдиган жойларни тозалаш.<br>– Сув гигиенаси. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш.<br>– Турар жой гигиенаси.<br>– Овқатланиш гигиенаси.<br>– Шахсий гигиена.Санитария маориф ишини ташкил этиш.<br>– Меҳнат гигиенаси. Касбга алоқадор касалликлар.<br>– Болалар ва ўсмирлар гигиенаси.<br>– Даволаш ва профилактика муассасалари гигиенаси.<br>– Ижтимоий гигиена.Аҳоли саломатлигининг кўрсаткичлари ва статистик текшириш усуллари.<br>– Экологик тарбия ва экологик маданият. | – турар жойларнинг ҳаво ҳароратини ўлчаш ва тахлил килиш;<br>– ҳавонинг йўналиш тезлигини ўлчаш ва тахлил килиш;<br>– атмосфера босими, ҳаво намлигини ўлчаш ва тахлил килиш;<br>– сувдан кимёвий ва бактериологик текшириш учун синама олиш, унинг органолептик, физик, кимёвий хусусиятларини текшириш;<br>– турар жойнинг санитария текширув схемасини тўлдириш;<br>– озиқ-овқат маҳсулотларидан бактериологик текшириш учун синама олиш;<br>– санитария текширув варақасини тўлдириш;<br>– болалар ва ўсмирларнинг зарарли одатларини, уларнинг саломатлигига таъсири ҳамда олдини олиш чора-тадбирларини олиб бориш;<br>– санитария маориф иши бўйича маъруза тайёрлаш | УК-2, УК-3, УК-5, УК-9 КК-1.2, КК-1.8 |
| 11 | **Тиббий биология ва одам генетикаси** | – Одамнинг бисоциал табиати ва унинг биологияси.<br>– Ҳужайранинг тузилиши ва функциялари.<br>– Турнинг популяцион структураси.<br>– ДНК репликацияси ва унинг аҳамияти. ДНК репликациясида ферментларнинг аҳамияти.<br>– Тиббиёт генетикасининг ривожланиш тарихи, ютуқлари ва ўрганиш усуллари.<br>– Классик генетика асослари.<br>– Ирсиятнинг цитологик ва биокимёвий асослари. | – бириккан ва жинсга боғлиқ ҳолда ирсийланиш бўйича масалалар еча олиш;<br>– ирсий белгилар ва касалликларнинг Г.Мендель ва Т.Морган қонунларига тегишлилигини ажрата билишни монодурагай, дидурагай ва полидурагай чатиштириш бўйича масалалар еча олиш;<br>– қон гуруҳлари, резус – фактор, эпистаз, полимерия, комплементарлик бўйича масалалар еча олиш;<br>– шажара тузишда ишлатиладиган шартли белгиларни ва авлодлар шажарасини тузиш ҳамда уни тахлил | УК-2, УК-3, УК-5, УК-9 КК-1.1 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | – Ирсият ва муҳит. Ўзгарувчанлик қонунлари .<br>– Ирсий касалликлар патологияси.<br>– Тиббиёт генетикасининг текшириш усуллари.<br>– Ирсий касалликлар профилактикаси ва даволаш хусусиятлари | қилиш;<br>– авлодлар шажарасига қараб ирсий касалликларнинг насилланиш типини аниқлаш;<br>- ирсий касалликларнинг ген мутацияларига алоқадор турларини аниқлаш усулларини қўллаш | |
| 12 | **Тиббиёт психологияси** | – Умумий ва тиббиёт психологияси асослари.<br>– Руҳий жараёнлар. Онг ва унинг хусусиятлари. Онгнинг турли касалликларда бузилиши.<br>– Билиш соҳаси жараёнлари.<br>– Сезги, идрок, хотира, диққат жараёнлари ва уларнинг турли касалликларда бузилиши.<br>– Тафаккур ва нутқ жараёни. Тафаккур ва нутқнинг касалликларда ўзгариши.<br>– Эмоциялар. Эмоция ҳақида тушунча.<br>– Ирода жараёни ҳақида маълумот. Ирода жараёнининг касалликларида ўзгариши.<br>– Шахс муаммолари, характер, мижоз тушунчалари. Бемор шахси ва касаллик. Шахс патологияси. Тиббиёт ходими ва бемор муносабатлари.<br>– Психогигиена, психопрофилактика ва психотерапия ҳақида маълумот.<br>– Тиббиёт ходимлари психогигиенаси.<br>– Тиббиёт ходимлари фаолиятида этика ва деонтология масалалари | – аҳолининг турли қатламлари билан ишлаш жараёнида мулоқат психологиясини қўллаш;<br>– барча турдаги тиббиёт ва даволаш-профилактика муассасаларида мулоқат психологиясини қўллаш;<br>– тиббиёт ходимлари фаолиятида этика ва деонтология қоидаларига риоя қилиш. | УК-2, УК-3, УК-5, УК-9 КК-1.1.КК-1.5 |
| 13 | **Микробиология ва эпидемиология асослари** | - Микробиология фани ва унинг вазифалари.<br>- Умумий микробиология.<br>- Микроорганизмларнинг морфологияси, физиологияси ва кимёвий таркиби, ультраструктураси.<br>- Микроорганизмлар ажратадиган моддалар.<br>- Микроорганизмлар генетикаси.<br>- Ташқи муҳит омилларининг микроорганизмларга таъсири.<br>- Микроорганизмларни табиатда тарқалиши.<br>- Спирохета ва риккетсияларга умумий характеристика.<br>- Вирусларга умумий характеристика.<br>- Бактериофаглар, тиббиётда фагни қўлланиши.<br>- Антибиотиклар, юқумли касалликларнинг кимётерапияси ва кимёпрофилактикаси. | - бактериологик лаборатория тузилиши ва жихозлари билан ишлаш;<br>- микроб культурасидан суртма тайёрлаш, фиксация қилиш;<br>- суртма препаратни оддий усулларда бўяш;<br>- микроскоп билан ишлаш;<br>- зарарли материалларни зарарсизлантириш;<br>- қўл ва иш жойини дезинфекция қилиш;<br>- стерилизация асбобларида ишлаш;<br>- 1 миллиард микроб культурасини тайёрлаш;<br>- соф культурани антибиотикларга сезгирлигини дисклар ёрдамида аниқлаш;<br>- дори препаратларини стерилликка текшириш ва | УК-2, УК-3, УК-5, УК-9 КК-1.2. КК-1.8 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | - Инфекция хақида тушунча. Иммунитет хақида тушунча .<br>- Юқумли касалликларнинг махсус иммунопрофилактикаси ва иммунотерапияси.<br>- Аллергия ва анафилаксия. | натижани ўқиш. | |
| 14 | **Ҳамширалик иши техникаси** | - Ҳамширалик иши фанига кириш. Ҳамширалик ишининг тарихи ва ривожланиши<br>- Ҳамширалик ишининг аҳлоқий асослари ва деонтологияси<br>- Даволаш профилактика муассасалари(ДПМ)нинг асосий турлари, йўналишлари ва иш фаолияти<br>- Ҳамширалик ишида мулоқот.<br>- Инфекция назорати, инфекцион хавфсизлик<br>- Беморнинг функционал ҳолатини баҳолаш<br>- Тери ва лимфа тизимини баҳолаш<br>- Нафас олиш аъзолари тизимини баҳолаш<br>- Қон айланиш аъзолари тизимини баҳолаш<br>- Овқат ҳазм қилиш аъзолари тизимини баҳолаш<br>- Сезги, ҳаракат ва скелет тизимини баҳолаш<br>- Тана биомеханикаси ва беморни хавфсизлигини таъминлаш.<br>- Тиббий ҳужжатларни юритиш<br>- Беморни шифохонага қабул қилиш<br>- Беморнинг шахсий гигиенаси<br>- Беморни овқатлантириш.<br>- Соддалаштирилган физиотерапия усуллари. Гирудотерапия, оксигенотерапия.<br>- Меъда – ичак йўллари тизими муаммоларини ечиш<br>- Сийдик чиқариш тизими муаммоларини ечиш.<br>- Дори моддаларини қўллаш.<br>- Стомаси бўлган беморларни парваришлаш<br>- Беморларни лаборатор ва инструментал текширувларга тайёрлаш<br>- Зондлаш муолажалари.<br>- Йўқотиш, ўлим, қайғу<br>- Терминал даврдаги беморларнинг оила аъзоларига парвариш қилиш бўйича кўникмаларни ўргатиш<br>- Терминал даврда даволаш ва парваришнинг этик масалалари | - беморларда ҳаёт учун муҳим бўлган кўрсаткичларни ўлчаш ва функционал ҳолатини баҳолаш;<br>- ҳамширалик жараёни олиб бориш, парвариш режаларини тузиш ва ҳамширалик ҳужжатларини юритиш;<br>- инфекцион назорати ва инфекцион хавфсизлик чора – тадбирларини ўтказиш;<br>- терминал даврдаги беморларда ҳамширалик парваришини амалга ошириш | УК-5, УК-6, УК-9, КК-2 КК-1.11 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 15 | **Фавқулотда ҳолатлар тиббиёти** | −Тинчлик давридаги фавқулотда вазиятлар ҳақида тушунча, уларни келиб чиқиш сабаблари, манбалари, турлари.<br>−Фавқулотда вазиятларда шикастланганларга шифокоргача бўлган тез тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш.<br>−Табиий тусдаги фавқулотда вазиятларда фуқароларга тиббий ёрдамни ташкил этиш.<br>−Техноген ҳусусиятли фавқулотда вазиятларда фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш.<br>−Ҳалқаро терроризм, тушунчаси турлари, террористик акт содир этилганда ахоли харакати.<br>−Ўткир заҳарланишлар, ҳайвон тишлаши, илон ва ҳашоротлар чақишида тиббий ёрдамни таъминлаш.<br>−Радиациядан шикастланиш, унинг таърифи, биринчи тиббий ёрдам ва шифокоргача бўлган ёрдам кўрсатиш хусусиятлари.<br>− эпидемия ўчоқларининг тиббий – тактик тавсифи, юқумли касалликлар ўчоқларида эпидемияга қарши санитария-гигиена чора-тадбирлари. | −шахсий муҳофаза воситаларини қўллаш;<br>−оғиз бўшлиғи ва юқори нафас йўллари ҳолатини текшириш, ёт жисмлардан тозалаш;<br>−ўпкага сунъий нафас бериш ва юракни билвосита уқалаш;<br>−қон кетишини вақтинча тўхтатиш;<br>−геморрагик шокда, кардиоген шокда, анафилактик шокда ва талваса синдромида шошилинч тиббий ёрдам курсатиш;<br>−касалхонадан ташқарида туғишда аёлларга шифокоргача ёрдам кўрсатиш;<br>−иммобилизация қилиш, Краммер, Дитрихс ва бошқа шиналар турларидан фойдаланиш;<br>−узоқ вақт босилиб қолиш (Краш синдромида), травма шокида шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш;<br>−чўкиш, куйиш шокида ва электр токидан жароҳатланганда, шошилинч биринчи ёрдам кўрсатиш;<br>−КТЗМ (аммиак, хлор ва фосфороорганиқ модда) лардан ва ис газидан захарланганда тез тиббий ёрдам кўрсатиш;<br>− террорчилик хавфи юзага келганда, гаровга олинганларнинг ва эгасиз буюмни кўриб қолгандаги ҳаракат қоидалари;<br>− рухий қўзғалишларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш;<br>− ўткир заҳарланишда меъдани зондлаш, чайиш;<br>− ҳайвон тишлаганда, илон, чаён ва ари чаққанда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш;<br>−ионловчи нурлардан шикастланишни олдини олиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш;<br>−қисман, тўлиқ санитар ишлов ва дезактивация, дегазация ўтказиш;<br>−ўта хавфли инфекцияларда махсус кийимларни кийиш, ечиш ва инфекция манбаларини зарарсизлантириш;<br>- обсервация ва карантин чораларини ўтказиш | УК-3, УК-6, УК-8, УК-10 УК-9. КК-1.4 КК-1.13 |
| 16 | **Валеология** | −Валеология фанининг тиббиётда тутган ўрни. | −шифокор-ўрта тиббий ходим, ўрта тиббий ходим- | УК-3, УК-4, |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | – Ҳаёт тузилиши, ҳаёт услуби, ҳаёт сифати тушунчалари.<br>– Риторика ҳақида тушунча.<br>– Мулоқат ва унинг турлари, тиббий ходимлар фаолиятида мулоқат олиб бориш кўникмалари.<br>– Санитария маъорифи тушунчаси.<br>– Соғлом турмуш тарзининг оила аъзолари саломатлигига таъсири, унинг таркибий қисмлари.<br>– Диспансер кўриги ҳақида тушунча, унинг мақсад ва вазифалари.<br>– Саломатлик даражасини баҳолаш усуллари.<br>– Рационал овқатланишга қўйиладиган талаблар.<br>– Жисмоний машқлар турлари ва инсон аъзоларига уларнинг таъсири.<br>– Чиниқтиришнинг саломатликка таъсири, асосий қоидалари, турлари ва воситалари.<br>– Инсон организмига психоэмоционал ҳолатнинг таъсири.<br>– Балоғатга етмасдан турмушга чиқиш ва ҳомиладор бўлишнинг зарарли оқибатларини ва олдини олиш йўллари.<br>– гиёхвандлик, тамаки махсулотларини истеъмол қилиш ва ичкиликбозликни инсон саломатлигига таъсири. | бемор муносабатларидаги муаммоларни ечиш;<br>– мақсадли гуруҳларни аниқлаш, турли аҳоли қатламларини саломатлик даражасига қараб гуруҳларга ажратиш;<br>– аҳоли саломатлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;<br>-антистресс дастурларни ишлаб чиқиш. | УК-6, УК-8, КК-1.1. КК-1.2,КК-1.11 |
| 17 | **Жамият соғлиқни саклаш ва тиббий статистика** | – Соғлиқни сақлаш тизими: асосий тушунчалар, соғлиқни сақлаш муассасаларининг номенклатураси.<br>– Жамият саломатлигини сақлаш ва уни ўрганиш усуллари.<br>– аҳолининг турмуш шароити ва турмуш тарзи.<br>– Аҳоли саломатлигига таъсир этувчи омиллар.<br>– Демографик жараёнларнинг тиббий ижтимоий аҳамияти.<br>– Тиббий статистика-биостатистика асослари, ва унинг асосий вазифалари.<br>– Аҳолига тиббий ҳизматни ва санитария-эпидемиология ҳизматини ташкил этишнинг асосий тамойиллари.<br>– Меҳнат қобилиятини экспертиза қилиш, касаллик ва ногиронлик тушунчалари. | – аҳоли саломатлиги, даволаш профилактика ва санитария-эпидемиология муассасалари фаолиятининг асосий кўрсатгичларини аниқлаш;<br>– санитария-статистик тадқиқот усулларини қўллаш;<br>– аҳоли саломатлигини белгиловчи кўрсаткичларни ўрганиш ва таҳлил этиш;<br>– статистик тадқиқотларни ташкил этиш;<br>– статистик маълумотлардан келиб чиққан тарзда натижаларни таҳлил қилиш | УК-2, УК-4, УК-8, УК-9 КК-1.5. КК-1.7<br>КК-1.11 |
| **1. Шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш станцияси (булим) фельдшери**<br>**Махсус фанлар** | | | | |
| 18 | **Шошилинч холатларда тез** | - Шошилинч ёрдам кўрсатиш режасини ишлаб чиқиш. Ўткир нафас етишмовчилигида биринчи тиббий ёрдам. | - Терминал ҳолатларда тез тиббий ёрдам.<br>- Ўткир нафас етишмовчилигида тез тиббий ёрдам. | УК-1, УК-2, УК-3, УК-6, |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | **тиббий ёрдам** | - Гипертермияда шошилинч ёрдам<br>- Гипертоник кризда биринчи тиббий ёрдам;<br>- Бронхиал астма хуружида биринчи тиббий ёрдам.<br>- Стенокардия хуружида биринчи ёрдам.<br>- Миокард инфарктида биринчи тиббий ёрдам.<br>- Ўткир қон-томир етишмовчилигида (ҳушдан кетиш, коллапс, шок) биринчи тиббий ёрдам.<br>- Ўткир юрак етишмовчилиги (ўпка шиши, юрак астмаси) да биринчи ёрдам.<br>- Ўт санчиғи, буйрак санчиғида биринчи ёрдам. Ўпка ва меъдадан қон кетганда биринчи тиббий ёрдам.<br>- Гипергликемик, гипогликемик, уремик кома, жигар комаларида биринчи ёрдам.<br>- Анафилактик шокда биринчи ёрдам. | - ўткир юрак ва қон-томир етишмовчилигида тез тиббий ёрдам.<br>- ўткир қон кетишида тез тиббий ёрдам.<br>- шок ҳолатларида тез тиббий ёрдам.<br>- коматоз ҳолатларида тез тиббий ёрдам.<br>- ўткир заҳарланишларда тез тиббий ёрдам.<br>- Офтоб урганда, совуқ урганда,куйишда, чўкишда биринчи ёрдам.<br>- Илон, чаён ва заҳарли ҳашаротлар чаққанда биринчи ёрдам<br>- Ҳайвон тишлаганда биринчи ёрдам.<br>- Ўткир заҳарланишларда биринчи ёрдам | УК-10. КК-1.5<br>КК-1.6. КК-1.10 |
| 19 | **Хирургия** | - Хирургия асослари. Хирургик ишни ташкил қилиш<br>- Хирургияда инфекция тушишининг олдини олиш<br>- Оғриқсизлантириш<br>- Қон кетиш синдроми<br>- Инфузия ва трансфузия<br>- Десмургия<br>- Операциядан олдинги давр<br>- Операциядан кейинги давр<br>- Шикастланиш синдроми<br>- Яллиғланиш синдроми<br>- “Ўткир қорин” синдроми<br>- Оёқ-қўлларда қон айланиши фаолиятининг бузилиш синдроми<br>- Сийдик ажратиш фаолиятининг бузилиш синдроми<br>- Ўсмалар синдроми<br>- Реанимация асослари. Терминал ҳолатлар<br>- Элементар ўпка-юрак реанимацияси<br>- Ўткир нафас етишмовчилиги<br>- Ўткир юрак-томир етишмовчилиги<br>- Шок ҳолатларида реанимация ва интенсив терапия<br>- Кома ҳолатларида реанимация ва интенсив терапия<br>- Ўткир заҳарланиш, чўкиш, бўғилиш ва бошқа шошилинч ҳолатлар | - Хирургик асбобларни ишлатиш, зарарсизлантириш, уларни стерилизацияга тайёрлаш.<br>- Операциядан олдин қўлни юқумсизлантириш.<br>- Операция майдонини юқумсизлантириш.<br>- Қон кетишни вақтинчалик тўхтатиш усулларини қўллаш.<br>- Қон йўқотган беморларнинг аҳволини баҳолаш.<br>- Қон гуруҳларини аниқлаш,Rh-факторни аниқлаш.<br>- Тоза ва йирингли жароҳатларга хирургик ишлов бериш.<br>- Қоқшолга қарши эмлаш. Тананинг турли соҳаларига бинтли, дуррачали боғламлар қўйиш.<br>- Лейкопластирли боғлам қўйиш.<br>- Боғламларни алмаштириш.<br>- Дренаж орқали бўшлиқларни ювиш ва дориларни юбориш.<br>- Шинали ва гипсли боғламлар қўйиш, олиш. Қовуқни катетерлаш.<br>- Шикастланиш шокида биринчи ёрдам кўрсатиш.<br>- Қон кетишни батамом тухтатиш усуллари<br>- Госпитализация учун кўрсатмаларни аниқлаш ва уни бемор аҳволига биноан ташкил этишни | УК-3, УК-4, УК-6, УК-7, УК-8, УК-10<br>КК-1.3, КК-1.6<br>КК-1.8. КК-1.9 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 20 | **Асаб руҳий ва наркологик касалликлар** | - Асаб касалликлари, турлари, уларнинг сабаблари, клиник белгилари.<br>- Асаб касалликлари билан оғриган беморларни текшириш усуллари, даволашнинг асосий принциплари, беморлар парваришининг ўзига хос хусусиятлари.<br>- Асаб тизими юқумли касалликлари<br>- Бош ва орқа мияда қон айланишнинг бўзилиши<br>- Умумий психопатология белгилари ва руҳий беморларни текшириш усуллари.<br>- Психоневрологик ёрдамни ташкил этишнинг асосий масалалари.<br>- Ички касалликлар, юқумли касалликларда учрайдиган руҳий ўзгаришлар.<br>- Туғруқдан кейинги психозлар. Шизофрения - клиникаси, кечиши даволаш.<br>- Алкоголизм, алкогол психозлари, наркомания, токсикомания, дори-дармон психозлари.<br>- Атеросклероз. Қарилик олди ва қарилик психозлари.<br>- Эпилепсия.<br>- Психогения, неврозлар, реактив психозлар, ятрогениялар<br>- .Посттравматик стресс бузилишлари<br>- .Психотерапевтик даволаш усуллари | - Асаб касалликлари билан оғриган беморларни қабул қилиш қоидалари ва уларни объектив текширув усуллари<br>- Бош ми юқумли касалликларида менингиал белгиларни аниқлаш<br>- Менингитда шошилинч ёрдам кўрсатиш<br>- Асаб касалликлари билан оғриган беморларни асбоб-ускунали ва лаборатория текширувларга тайёрлаш ва уларни ўтказиш.<br>- Асаб касалликлари билан оғриган беморларни парвариш қилиш.<br>- Руҳий касалликлар турлари, наркомания, токсикомания, алкоголизм билан оғриган беморларни текшириш.<br>- Эпилепсия хуружларида ва эпилептик ҳолатларда биринчи ёрдам кўрсатиш.<br>- Беморларни психомотор кўзғалиш пайтида тинчлантириш усуллари.<br>- Руҳий касалларни овқатлантириш усуллари<br>- Санитария – оқартув ишлар ўтказиш.<br>- Посттравматик стресс бузилишларида ёрдам кўрсатиш.<br>- Госпитализация учун кўрсатмаларни аниқлаш ва уни бемор аҳволига биноан ташкил этишни. | УК-3, УК-4, УК-6, УК-7, УК-8, УК-10 КК-1.3. КК-1.6 КК-1.8. КК-1.9 |
| 21 | **Оторинолорингология** | - Оториноларингология фани ва унинг ривожланиш тарихи.<br>- Қулоқ касалликлари.<br>- Бурун ва унинг ёндош бўшлиқлари касалликлари.<br>- . Халқум касалликлари.<br>- Хиқилдоқ касалликлари. | - Бемордан анамнез йиғиш, кўздан кечириш.<br>- Риноскопия, фарингоскопия,<br>- отоскопия ва ларингоскопияга беморларни тайёрлаш.<br>- Ҳалқум, бурун ва ташқи эшитув йўлидан суртма олиш.<br>- Ҳалқум, ҳиқилдоқ, бурун ва ташқи эшитув йўлларидан ёт жисмларни олиш.<br>- Трахеостомия учун асбоб-анжомларни йиғиш ва беморни трахеостомияга тайёрлаш. | УК-3, УК-4, УК-6, УК-7, УК-8, УК-10 КК-1.3. КК-1.6 КК-1.8. КК-1.9 |
| 22 | **Офтальмология** | - | | УК-3, УК-4, |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
